

Дунёда хар бир миллатнинг хукукли ва масъуд бир суратда яшамаки, ул миллатнинг ўз замониндаги маориф ва маданиятни кабул этмакига муваффақ бўлгонидек, хар бир оиланинг бахтиёрлиги ва рохат билан тирикчилик этмакига хам ул оиланинг афроди мутлако тарбияли бўлурга тевишдир. Оламда тараккий этган хеч бир миллат йўқдир-ки, унинг оиласи тарбиясиз колгон бўлсин. Ёки хеч бир оила йўқдирки, унинг афроди тарбия кўрмайинча чин бахт-саодат билан умр кечирмакца бўлсин.

Исломиятнинг аввалги асрлариндаги мусулмонлар оила тарбиясига ахамият бериб, эркак ва киз болаларини ўкита бошладилар. Хотунлар хукукини риоя этдилар. Ва шул сояда маориф ва маданият йўлига кадам кўйиб, улуг бир кувват хосил этдилар. Озгина вақтда дунёнинг кисми аъзамини ўзларига каратдилар. Ул асрларда ислом дунёсинда эрлар каторинда хотинлардан хам канча олима ва шоира, мухаррира, хатиба, адиба ва факихалар етишган эди.

Мусулмонларнинг у давр тараккийлари Аббосий халифаларнинг замониғача давом этди. Аббосийлар давринда бошлаб оила тарбияси бузилди. Хотунлар хукукига тажоввуз этилди. Халифа ва амирлар саройинда айш ва ишрат ва шафохат бошланди. Хукумат идораларинда жабру алам, гадру хиёнатлар юз берди ва ўшал дакикадан эътиборан мусулмонлар ижтимоий ва сиёсий жихатдан кундан-кун таназзул эта бошладилар. Хукуматлари кўлдан кетди, мамлакатлари барбод бўлди. Бошдан ўзгаларга амир ва хоким бўлиб келган мусулмонлар ахлоксизликлари ва оила тарбиясининг бузуклиги сабабли бора-бора ётларга махкум ва асир бўлиб коддилар.

Хосили калом, аввалги асрларда мусулмонлар хусни ахлоқ ва оила тарбияси соясиндагина тараккий этдилар ва масъуд бўлдилар. Охирида оила тарбиясиндан кўл кўтарганлари ва ахлоксизликлари сабабли сукут этиб хозирги холга тушдилар.

Биз туркистонлилар хам 15 йил бўладирки, бу дунёда ўзгалардек тараккий ва таолий этмак орзуси билан янги мактаблар оча бошладик. Ёлғиз эркак болаларимизни тарбия этарга киришдик, аммо кизларимизнинг тарбиясига хозирғача хеч бир ахамият бермадик.

Бизлар ушбу ноқис ва хато харакатларимиз билан яна истармизким, келар замонда бизлардан хам масъуд оилалар етишсин, бизлар хам бошқалар каторинда мутараккий ва

мутамаддун бўлайлик. Лекин хозирдан билмагимиз ва амин бўлмогимиз керакдирким, бизлар то эркак ва киз болаларимизни биргаликда тарбия этмагунча бизлардан келажакда масъуд оилалар етишмас. Бизлар хеч вақт гоёи аъмолимиз бўлгон чин бахт ва саодатга, тараккий ва тамаддунга етолмасмиз.

(Охири бўлур.)

*«Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 9 июль*